КУТУБХОНАСИ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 67 (9.259) 1999 йил 11 июнь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ДАВР САДОСИ

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Цян Циценни қабул қилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти «Зулфия» номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қабуллар уйида «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси раҳбарлари, мамлакатимизда ишлаётган дипломатия корпуси ва халқаро ноҳукумат ташкилотлари вакиллари билан учрашдилар.

◆ Тошкентда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО)га аъзо мамлакатлар божхона хизмати раҳбарларининг VI йиғилиши бошланди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида бу йилги ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубиёт маркази уч кун давомида Тошкент шаҳрида «Фольклор жамоаларининг бешинчи анъанавий республика кўрик-танлови»ни ўтказишни режалаштирди.

### ЖАҲОНДА

◆ Чехословакияда Британия самолёти қулаб тушди. Ҳалокат Братиславада халқаро авиа шоу ўтказилаётган пайтда содир бўлди.

◆ Бразилиянинг Сан-Пауло штатидаги алоҳида қаттиқ режимли «Кадейяо-до — Путин» турмасидан бир вақтнинг ўзида 345 нафар хавфли жиноятчи қочиб кетди. Ҳозиргача улардан 40 нафари қамоқхонага қайтарилди. Қидирув давом этмоқда.

◆ Швейцарияда «XXI аср бўсағасида» деб номланган халқаро конференция ўз ишини бошлади.

◆ Бағдодда автобус портлаши натижасида 7 киши ҳалок бўлди. 40 киши тан жароҳати олди.

◆ Душанбе шаҳар туманларининг бирида тунги пайтда номаълум кишилар томонидан бир нечта турар жой бинолари миномётдан ўққа тутилди.

◆ «Украина Онлайн» агентлиги хабарига кўра Болгария Президенти Пётр Стоянов Украина Президенти Леонид Кучма, Бош вазир Валерий Пустовойтенко, ҳукумат раиси Александр Ткаченко билан учрашгани Киевга келди.

◆ БМТ Бош котиби Кофи Аннан кейинги пайтларда Анголада бўлаётган нохуш воқеалардан ташвиш билдирмоқда.

◆ Мексика пойтахтининг марказий кўчаларидан бирида мамлакатдаги «ТВ-Ацтека» телекомпанияси вакили, таниқли журналист Пако Стенли ўз машинасида номаълум шахс томонидан отиб ўлдирилди.

◆ Жанубий Корея билан Филиппин ўртасида ўзаро ҳарбий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аҳдлашувга эришилди.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

***Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлагановнинг қарори билан Миркамол Азизович Одилов Шайхонтоҳур тумани ҳокими этиб тайинланди.***

* * *

**Миркамол Азизович Одилов** — 1958 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли. Тошкент темир йўллар муҳандиси институтини тугаллаган.

Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Ўрта Осиё темир йўллари Тошкент бўлими «Салор» станцияси навбатчилигидан бошлаган. Шундан кейин Тошкент темир йўллари бўлими «Ҳамза» станциясида бошлиқ ўринбосари, «Тошкент — Пассажир» станциясида бош муҳандис, «Қизил тўқимачи» станциясида бошлиқ ўринбосари, «Тошкент — Товарний» станциясида бошлиқ, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компанияси пассажир хизмати бошлиғининг ўринбосари вазифаларида ишлаган.

1997 йилдан Тошкент метрополитени бошлиғи.

## ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



# ИРОДА — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Юртимизда спортнинг барча турлари, айниқса 7 ёшдан 70 ёшгача кишилар шуғулланиши мумкин бўлган, саломатликни тиклашда беқиёс ўринга эга теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бугунги кунда ўзининг тотли мевасини бермоқда. Қисқа муддат ичида мустақил диёримиздан кўпгина йирик халқаро мусобақаларда ишқибозу мутахассисларни лол қолдирган О. Огородов, Д. Томашевич, В. Куценко, И. Тўлаганова, Н. Никитина, О. Тимофеева, Г. Хўжаева, опа-сингил Лилия ва Луиза Биктяковалар етишиб чиқди.

Бугун биз сўз юритмоқчи бўлган, том маънода метин ирода ва бой маҳоратга эга Ирода Тўлагановани ҳам мустақиллигимиз меваси, юртимизнинг ёш фидойиларидан бири десак адашмаймиз. Ёшлигидан ўзи танлаган йўлда қатъиятли, билимга чанқоқ Ироданинг бунчалик тез ўсишига отаси Ботир ака ва онаси Анна Вениаминовналарнинг собиқ спортчи бўлганлиги ҳам маълум маънода роль ўйнади. Германиядаги Борис Брескавер номидаги машҳур теннис академиясида бир ярим йил давомида олган сабоқлари унинг кортдаги бўлғуси ғалабалари учун муҳим пойдевор бўлди.

Шу йили йигирма кун ичида Японияда қозонган кетма-кет ғалабалари — аввал Токиодаги «Жапан Оупен» халқаро турнирида ғолиб чиққанлиги, сўнг эса Фукуокада 18 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида Осиё чемпиони унвонини қўлга киритганидан сўнг япон газеталари «Тошкентлик теннисчи қиз Японияни ром этди» деган сарлавҳалар билан чиққанлиги ҳам ёш, умидли спортчимизнинг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлди.

Ҳозир шаҳримизда қизғин давом этаётган «Tashkent Open» халқаро турнирининг дастлабки баҳсида Ироданинг голландиялик тажрибали катта ракетка устаси Седа Нурландер устидан қозонган ёрқин ғалабаси унинг мухлислари сонини янада ошириб юборди.

Ҳа, 17 ёшли ҳамшаҳримиз Осиё чемпиони Ирода Тўлаганова ҳозир ўсишда, улғайишда. Аёллар теннис ассоциацияси WTA нинг рейтинг таснифи бўйича ўтган йили 824-ўринда бораётган Ирода қатор нуфузли мусобақалардаги ғалабаларидан сўнг бугунги кунда 283-ўринга чиқиб олди. Бу жуда катта юксалишдир. Биз Ирода Тўлагановага худди шундай сабот, матонат ва қатъият билан келажак сари интилишни тилаб қоламиз. Унинг ортидан эса катта ғалабалар келишига шубҳа йўқ.

**Дилшод ИСМОИЛ.**

*СУРАТДА: Ирода Тўлаганова.*

**Теннис**

# КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

Ҳамшаҳримиз Ирода Тўлаганованинг «учар» голландиялик Седа Нурландер устидан қозонган ажойиб ғалабасидан сўнг мамлакатимизнинг барча теннис ишқибозлари унинг словениялик Тина Писник билан нимчорак финалдаги ўйинини сабрсизлик билан кутишди. Жуда ҳаяжонли ва кескин кечган ушбу баҳсда биринчи сетда 6/2 ҳисобида Писник, иккинчи сетда эса худди шундай ҳисобда Тўлаганова устун келди. Ҳал қилувчи учинчи сетда Ирода 2/1 ҳисобида олдинда бораётган бўлсада, охир оқибатда катта тажрибага эга Писникнинг қўли баланд келиб чорак финалга йўлланма олди. Бундай шиддатли беллашувлар Ирода учун катта мактаб вазифасини ўташи табиий.

**КЕЧА**

қолган чорак финал учрашувларига йўлланма олган теннисчилар аниқланди. Хусусан, Анжелика Бахман (Германия) — Мирослава Вавриник (Швейцария)ни 6/2, 6/4, Анна Смашнова (Исроил) — Кейко Нагатоми (Япония)ни 6/2, 6/0, Елена Дементьева (Россия) — Татьяна Панова (Россия)ни 6/3, 3/0 (рақиби ўйиндан бош тортди), Ралука Санду (Руминия) — Адриана Серра Занетти (Италия)ни 6/4, 5/7, 6/4, Татьяна Гарбин (Италия) — Флора Перфетти (Италия)ни 6/0, 6/7, 6/2 ҳисобида енгиб, шундай имкониятга эга бўлди.

Ўз рақибларини енгган Ева Беф — Жизела Раера, Евгения Куликовская — Патриция Вартуш, Татьяна Гарбин — Адриана Серра Занетти, Тина Писник — Ту Мейлин жуфтликлари ҳам чорак финалга йўлланма олишди.

**БУГУН**

якка тартибда ва жуфтликлар ўртасида чорак финал баҳслари ўтказилади.

**Дилмурод ИСМАТОВ.**

## ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, муаммолар



*Ўқув йили якунланди*

# УЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ БЎЛИШАДИ

***Яна бир ўқув йили ўз ниҳоясига етди. Туб ислоҳотлар олиб борилаётган халқ таълими соҳасидаги ҳар бир жараён ўзгаришларга бой бўлиши табиий. Ўтган 1998-99 ўқув йилида бу соҳада қандай янгиланишлар рўй бергани ҳақида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари, шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев билан суҳбатлашдик.***

**— Ҳамидулла Қаюмович, ниҳоясига етган навбатдаги ўқув йили пойтахт халқ таълими соҳасида қандай ҳодисалар билан эсда қоларли бўлди?**

— Бугунги кунда халқ таълими соҳаси Президентимиз ташаббуси ҳамда ҳукуматимиз кўмагида туб ислоҳотларни бошидан кечирмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларимизнинг билимдон, юксак малакали, Ватанни чин дилдан севувчи, элга фидойи инсон этиб тарбиялашдир. Шундай экан, ҳар бир ўқув йили халқ таълими соҳасида янгидан-янги ижобий ўзгаришларни пайдо қилмоқда. 1998-99 ўқув йили биз учун ислоҳотларнинг энг чўққисига чиққан йил бўлди. Хусусан 1-9-синфларнинг ўқув режаси тасдиқланди. У асосида ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Бу борада пойтахтимиздаги 23 та мактабда 23 та фан бўйича тажриба-синов тадбирлари ўтказилди. Бундан ташқари янги дастурлар асосида янги дарсликлар яратилгани таълим мазмунини ижобий томонга ўзгартириш билан бирга унга замонавий руҳ бахш этди. Буларнинг барчаси давлат таълим стандартлари асосида бажарилганини таъкидламоғимиз жоиз. Йил давомида шаҳримиз ўқувчиларининг ҳам анча фаоллик кўрсатишганини таъкидламоқ жоиз. Жумладан, республика миқёсида ўқувчилар ўртасида спортнинг 15 тури бўйича ўтказилган спартакиаданинг 11 турида пойтахтлик ўқувчилар ғолибликни қўлга киритишди. Шунингдек, ҳали ўқув йили тугамасиданоқ 9 ўқувчи ўз билим ва иқтидорларини намоён эта олганликлари сабабли турли олий ўқув юртларининг талабаси бўлишганини мамнуният билан гапиргим келади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази шаҳримизнинг 11 та туманида тест синовларини ўтказиб, олинган натижалар талаб даражасида эканини маълум қилди.

**— Дарвоқе, битирувчилар ҳақида. Айтишларича бу йил мактаблардаги сўнгги қўнғироқ тадбирлари ўзгача тарзда ўтказилибди.**

— Бу йил шаҳримиздаги мактабларнинг 11-синфларини 15 мингдан ортиқ, 9-синфларни эса 36 мингдан ортиқ ёш битирди. 25 май куни ўтказилган сўнгги қўнғироқ тадбирларида шаҳар, туман ҳокимликлари вакиллари, маҳалла қўмиталари аъзолари, чет эллик меҳмонлар иштирок этишди, битирувчиларга оқ йўл тилаб илиқ гаплар айтилди. Айрим мактабларга ҳомийлар совғалар топширишди, хусусан Чилонзор туманидаги 131-мактабга шу масканда ўқиган ҳомий компьютер туҳфа этди. Шу ўринда Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг «Синфдош» кўрсатувини айтиб ўтмай иложим йўқ. Улар бундан 30-40 йил аввал мактабни битириб кетган одамларнинг ўз мактабларига келиб ҳозирги ўқувчилар билан учрашуви ҳақида ажойиб кўрсатув тайёрлашди. У барчада илиқ таассурот қолдиргани аниқ. Бугунги кунда битирувчилар давлат имтиҳонларини топшириш билан бандлар.

**— Анъанага кўра ҳар йили битирувчиларнинг тантанали кечаси ўтказиларди. Бу сафар мазкур тадбирга қандай тайёргарлик кўриляпти?**

— Дарҳақиқат, шундай. Аввалари «оқшом» деган кечалар ўтказиш урф бўлган. Бу сафар бундай тадбир, яъни битирувчиларнинг байрами тантанали педагогик йиғилиш деб аталиб, 19 июнь куни соат эрталабки 10 да барча мактабларда ўтказилади. Унга асосан бизнинг Халқ таълими бош бошқармаси ва туман халқ таълими бўлимлари масъулдир. Битирувчилар байрами куни мактабнинг тантаналар залига аввал ота-оналар, муаллимлар таклиф этилади, сўнгра битирувчилар саф-саф бўлиб киришади. Кейин давлатимиз Мадҳияси янграйди. Аввал аълочи ўқувчилар, кейин фан бўйича олимпиадалар ғолиблари, фаол ўқувчилар, спорт мусобақалари ғолибларига мактабни битирганлик тўғрисида шаҳодатнома тантанали равишда топширилади. Кейин ота-оналар, атрофдаги маҳалла фаоллари, «Камолот» ёшлар жамғармаси вакиллари битирувчиларга мустақил ҳаётга қадам қўйишларида оқ йўл тилашади.

Мазкур тадбирларга «Тошкенттаом» ҳиссадорлик жамияти жойларда салқин ичимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил этиш билан, Ички ишлар бош бошқармаси жойларда жамоат тартибини сақлаш, Маданият ишлари бош бошқармаси маданий-оқартув тадбирлари билан, Ободонлаштириш бош бошқармаси мактаблар атрофида, кўчаларда озодаликни таъмин қилиш, байрамона руҳ киритиш, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ўша куни ҳар бир мактабда тиббий нуқтани ташкил қилиш билан ёрдам беради. Бундан ташқари, «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, Халқ Демократик партияси ҳам бу тадбирга ўз ҳиссаларини қўшадиган бўлишди.

Авваллари одатга кирган пул йиғиб дастурхон тузаб зиёфатлар уюштириш каби салбий ҳолатларга биз қаршимиз. Уларга кетадиган вақт, оворагарчилик ўрнига ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонларига тайёрланишса, сарфланадиган пулни репетиторларга ёки «Ахборотнома»лар сотиб олишга, ўз мактабларини таъмирлашга, кутубхоналарга китоб келтириб беришга харжласалар қандай яхши! Ўша китобларга ўз исми шарифларини ёзиб қолдирсалар, синфхоналарга гул, гултуваклар келтириб берсалар шу улардан ёдгорлик бўлиб қолмайдими? Қайсидир мактабда битирувчилар «Битирувчилар хиёбони»ни ташкил этишганини эшитиб хурсанд бўлиб кетдим. Ўйлайманки, бундай оқилона иш тутадиган фарзандларимиз шаҳримизда ҳали кўп. Яна бир ўқув йили якунланди. Битирувчилар байрами қўнғилдагидек ўтиши, эсда қоларли дамларга бой бўлиши, мактабнинг битириш, катта ўқишга кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ёшларимиз илм ва ҳунар даргоҳларида ўз мактаблари, маҳаллалари, туманлари номини шарафлашларига ишонаман.

**Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.**

*Маиший хизмат*

# ЎЗ КАСБИГА МЕҲР

Абдукарим Илҳомов ўз иш кунини усталар фаолиятига назар ташлаш билан бошлайди. Юнусобод даҳаси, иккинчи мавзеда жойлашган «АОО Дилором» фирмасига қарашли «Лола» гўзаллик салонида эса 40 нафар уста сартарошлар фаолият кўрсатади. Эътиборга молик томони шундаки, уларнинг деярли барчасини ёшлар ташкил этади. Ва ёшларнинг ҳаммаси ҳақли равишда «Маиший хизмат аълочиси», «Ёшлар мураббийси» фахрли унвонларига сазовор бўлган Абдукарим Илҳомов қўлида сабоқ олиб, касб сир-асрорларини ўрганишган.

«Лола» гўзаллик салонида ҳар бир устанинг ўзига хос услуби бор. Масалан, Доно Аҳмедова услуби Юлия Семенова ижодий йўналишига ўхшамайди, Татьяна Петрикеэванинг йўналиши эса Алла Шуригинаникидан фарқланади. Бироқ катта дид билан амалга оширилгани учун улар барчасининг соч турмаклашлари ўзига хос чиройлидир.

Эркаклар залида ҳам мижозлар кўп йиллар самарали меҳнати учун ҳозир жамоани бошқараётган А. Илҳомовнинг шогирдлари бўлмиш биринчи даражали усталар — Асад Шарафутдинов, Шариф Усмонов, Тўлқин Зуфаров, шунингдек, Хондамир Йўлдошев, Ҳусан Мўминовларнинг юқори даражали маҳоратларидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Абдукарим Жўраевич ва АОО «Дилором» фирмасининг директори Одил Абдураҳмоновлар ташаббуси билан гўзаллик масканида тез-тез соч турмаклаш ва текислашлар янги андозаларининг намойишлари ўтказилиб туради.

«Лола» салонида хизмат кўрсатишнинг олдиндан рўйхатга ёзилиш, уйга бориб хизмат қилиш, келин-куёвларни навбатдан ташқари қабул қилиш, байрам кунлари уруш қатнашчилари ва ногиронлари, кам таъминланганларнинг бепул ҳожатини чиқариш каби илғор ва имтиёзли шакллари йўлга қўйилган.

...Абдукарим Илҳомовнинг меҳнат дафтарчасида бундан 18 йил олдин амалга оширилган ишга қабул қилиш тўғрисидаги ягона ёзув бор, холос. Мукофотлар, ташаккурномалар, рағбатлантиришлар битилган ёзувларни кўриб эса кўзингиз қувнайди.

Бу эса ёшлар доимо ўрнак оладиган янги давр кишисининг маънавий қиёфаси, ибратли ҳаёт йўлидир.

**Аҳат МИНГУЛОВ, Дилшод ИСРОИЛОВ.**

*СУРАТДА: Абдукарим Илҳомов иш устида.*



*Газетхон илтимоси*

# ҚУЛАЙ БЎЛАР ЭДИ

***Ҳар куни эрталаб ишга кетаётиб Миробод тумани Нукус кўчасидаги бекатдан 80 ёки 12-автобусга ўтириб, 3 бекатдан сўнг тушиб, яна 10, 20-троллейбусга ўтириб Амир Темур хиёбонигача бораман. Ярим соатда етиб борса бўладиган жойга гоҳида бир соатда бораман. Кузатиб қарасам бир мен эмас, жуда кўпчилик мен каби автобус кутиб, троллейбус кутиб, шундай яқин жойга кеч етиб борар экан...***

Кейинги вақтларда пойтахт аҳолисига транспорт хизматини яхшилаш йўлида сезиларли ишлар қилинмоқда. Бир неча йўналишларда эскирган автобуслар, троллейбуслар ва трамвайлар хориждан келтирилган кўркам кўринишли, сифатли транспорт воситалари билан алмаштирилаяпти. Кўплаб янги йўналишлар очилиб, айрим йўналишлар эса аҳолининг талаб ва истакларига кўра узайтирилмоқда.

Биз ҳам «Миробод» бозори атрофида яшовчи аҳоли номидан «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раҳбарларига шу ҳақда ўйлаб кўришларини илтимос қилар эдик. Шота Руставели кўчасидан қатнайдиган 58, 38, 67-автобуслардан бирортаси «Миробод» бозори олдидан ўтиб Амир Темур хиёбонига борса, транспортма-транспорт югуриб юрган йўловчиларга кулайлик яратилган бўлур эди. Йўловчиларнинг узоғи яқин бўлса, иши ҳам унумли, кайфиятлари эса аъло бўларди.

**«Миробод» бозори атрофида яшовчи аҳоли номидан Дилором ИКРОМОВА, (яна 30 кишининг имзоси мавжуд).**

## АЗАЛИЙ ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР

# «ВАЗОИФИ АТФОЛ»ДАН САРЧАШМАЛАР

***Турк олими Мустафо Ҳомийпошо ўзининг «Вазоифи атфол» («Болаларнинг вазифалари») деган китобини ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбиясига, уларнинг одоб-ахлоқ масалаларига бағишлаган. Китобда болаларнинг Ватан ва халққа садоқатда бўлиш, ота-онани ҳурмат қилиши, устозни эъзозлаши, мард, инсофли, ҳаёли, тўғрисўз бўлиши ҳақидаги масалалар баён қилинади. Қуйида ана шу асардан бир парча келтирдик.***

Болалар ҳаётда ўсиб-улғаяр эканлар, уларнинг толелари икки нарсадан айри бўлмайди: ё бахту саодатли бўлади, ёки гумроҳлик йўлига кириб бахтсиз бўлиб қолади.

Бола қандай қилиб бахтиёр бўлиши мумкин? Агар ота-онасининг гапига қулоқ солса, уларнинг айтган йўлидан чиқмаса, берган маслаҳатларини жон деб қабул қилса, уларга шунчаки қулоқ солиб қўя қолмай, бутун кучи билан амал қилишга уринса ва доимо ёдида тутса бундай бола катта бўлганда албатта бахтли бўлади.

Бола қандай қилиб бахтсиз бўлиб қолади? Агар бола ўз ота-онасининг беғараз, чин кўнгилдан меҳрибонлик қилиб айтган сўзларига қулоқ солмаса, берган маслаҳатларини тингламаса, бора-бора йўлдан адашади, оқибат натижада бахтсиз бўлиб қолади. Бахтсиз болалар катта бўлганларидан кейин ўз бахтсизликларига ўзларини айбдор деб ҳисобламай, ота-онасига туҳмат тошларини отишади, бахтсизликнинг сабабчиси қилиб уларни кўрсатадилар.

Болалар! Сиз ҳаётда кўриб турганингиздек, илмли ва маърифатли кишилар ҳамиша иззат-икромда, пули кўп, маъман деган бадавлат кишиларнинг эса обрўйи уларнинг олдида пастдир. Бундан кўриниб турибдики, илм кишини эл олдида азизу мукаррам қилар экан. Дунёда туғилиб ўсган ҳар бир инсон ўз келажагининг ғамини ейиши муқаррардир. Кўнгилдагидек яшашнинг асосий воситаси эса илм олиш ва ҳунар ўрганиш. Илм олиш ва ҳунар ўрганиш эса ёшликдан бошланади.

Болалар! Сиз ҳаётга назар солинг, эрталаб қуёш чиқиши биланоқ барча тирик жон, ҳатто қушлар ҳам ўринларидан туриб ишлаш ва тирикчилик қилишга тушадилар, меҳнат қиладилар. Тунда эса уйқуга ётиб, кундузи сарфлаган кучларини қайта тиклаш пайида бўладилар. Демак, кимки яхши ишга қўл урса, яхши нарсаларга эга бўлади, кимки ёмонлик қилса, ёмон кўриниб эл назаридан қолади. Ҳар бир бола дунёда олим ва фозил бўлишга ўзини софлик ва тўғрилик зийнати билан безашга интилиши, Ватан ва халқига муносиб хизмат қилишга лойиқ бўлишга уриниши шартдир. Ўз ота-оналарини эса ҳалол хизматлари билан мамнун этишлари керак. Ёшлигидан илм ўрганишга уринган, ўзини тўғрилик ва софлик фазилати билан безаган кишилар доимо элу юртини обод қилишга муяссар бўлганлар.

Болалар! Сиз яхши хулқ эгаси, эзгу ният ва гўзал фазилатлар соҳиби бўлишингиз учун нималар қилишингиз лозим? Бунинг учун яхши ишлар йўлида ҳеч қандай қийинчиликлардан қўрқмаслигингиз, ота-она ва ўз устозларингизнинг розилигига эришишингиз, вақтингизни фойдали ишдан бошқа ишларга сарф этмаслигингиз, илму фан таҳсилига бутун куч-ғайратингизни қаратишингиз керак.

Болалар! Биз учун ҳаётда энг буюк ва шарафли бир йўл бор. Биз бу йўлдан асло чиқмаслигимиз керак. Бу йўл инсонийлик йўлидир. Бу йўлга амал қилган киши ҳамиша бахту саодат соҳиби бўлади. Бу йўл одамларга маънавий куч-қувват беради, кишини тўғри йўлдан чиқармайди. Халқига ва қариндош-уруғларига кўлидан келган барча яхшиликни қилиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш ҳам кишининг инсонийлик бурчларидан бири ҳисобланади.

**Мурод РАҲИМОВ**
**тайёрлади.**

*Ҳикмат — бир ҳовуч олтин*

# НИЗОМИЙ ДЕЙДИКИ...

***• Олдин билиб олиб, кейин сўйлагил,***
***Олтин топиб, сўнгра харжин кўзлагил.***
***• Эгрилик — келтирар бошга ғам-алам,***
***Тўғрилик-чи, барча ғамларга барҳам.***
***• Ўзгалар айбига тетик назар сол.***
***Ўз айбинг кўргандек ундан ибрат ол.***
***• Кимки ўрганишни уят, ор демас,***
***Сувдан дур топади, тошдан лаъл, олмос.***
***• Доно ёш бўлса ҳам ишдан серилож,***
***Гоҳи бўлур кекса сўзига муҳтож.***
***• Аждодлар боғу роғ экиб кетишди,***
***Мевасига янги авлод етишди.***
***• Осмону заминда не бўлса, бари***
***Одамнинг фикридан эмас ташқари.***
***• Ҳунар ўрган, чунки ҳунарда кўп сир.***
***Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир.***
***• Суҳбатдошлик қилгил яхшилар билан***
***Ишларинг саранжом топар яхшидан.***
***• Одамга аралаш бўлсанг гар одам,***
***Одамлар ичрадир, мўътабар одам.***

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тўплади.**



*Кўргазмалар*

# ИЖОДНИНГ САРА НАМУНАЛАРИ

***Мусаввир асар яратар экан, унга ўзида бор қобилиятни, маҳоратни сарфлашга ҳаракат қилади. Дунёга келган рангтасвир ижодкорнинг дилидаги эзгуликларни, ҳис-ҳаяжон билан йўғрилган ҳайратини, тафаккури қатидаги мақсад-муддаосини бадиий тарзда ифода этсагина томошабин — санъат ихлосманди қалбига йўл топади.***

Шундай бахтга сазовор бўлган мусаввирлардан бири Ўзбекистон Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми, А. Қодирий номидаги Давлат мукофотининг совриндори Алишер Мирзаевдир. У 25 йилдан буён ўзининг сермазмун рангтасвир асарларини турли кўргазмаларда намойиш этиб келади. Ижодининг энг сара намуналари кўпгина нуфузли музей ва кўргазмалар, чет элдардаги коллекциялардан муносиб ўрин олган.

Унинг «Менинг болалигим», «Яшил бозор», «Тўй», «Ёш оила ҳақида қўшиқ», «Санъатшунос О. Олимжонов портрети», «Аскар ҳақида қўшиқ», «Кўприклар», «Оқтошлик ўрмончи», «Чўпон оиласи» асарлари 70-80-йиллардаёқ кўпчилик санъаткорларга манзур бўлган. Мусаввир атрофида ўзи кузатган воқеаларни гўзал ранглар воситаси билан ҳам мазмунан, ҳам шаклан тасвирлашга уста. Унинг асарларидаги ранглар мажмуи яхлитлиги рассом ғоясини юзага чиқарувчи зўр восита ҳисобланади. Композициянинг шаклларга, уларнинг мутаносиблигига асосланган кўриниши воқеликни образли — умумлашма тарзда акс эттиради. Анча қуюқ берилган кайфиятни, ички туйғуларни ифода этувчи бўёқлар таъсирчанлигига мусаввир алоҳида урғу беради. Асарлардаги тасвир этилган одам қиёфалари ҳам манзара руҳига мос тарзда унинг ажралмас қисми сифатида гавдалантириладики, бунинг натижасида яхлитлик ҳам мазмунда, ҳам шакллар ўйини, ифодавийлиги воситасида бадиий мукаммал маҳорат билан намоён этилади.

Ўзбекистон давлат Санъат музейи залларида муваффақиятли намойиш этилаётган рассомнинг шахсий кўргазмаси ижодкорнинг кўп йиллик фаолиятининг сарҳисоби бўлди. Ундан ўрин олган юздан зиёд манзара, натюрморт, портрет ҳамда воқеабанд бадиий мукаммал композициялар мўйқалам устасининг қобилиятининг турли қирраларини кўрсатиши билан кенг кўламлилик касб этмоқда. Айниқса «Менинг бувим», «Учрашув», «Қуёшли кун», «Оила», «Қўш келин», «Баҳор юмуши», «Қирмизи оқшом», «Оқшом учрашуви» шундай сифатлари билан алоҳида ажралиб турувчи ижоднинг хусусиятли намуналаридир.

Рассом ижодида муҳим ўринни эгалловчи ўнлаб ажойиб дилтортар рангтасвирларни ўз ичига олувчи «Сўқоқ туркуми», «Оқтош туркуми» ва «Ҳумсон манзаралари»нинг кўп қисми 90 — 98 йилларда яратилган бўлиб, рассомнинг тугал шаклланган ўз услубига эгалигидан, мавзулари доираси ҳамда маҳоратининг юксак эканлигидан дарак беради. Улар сирасига «Қизил тоғ остидаги учрашув», «Оқтошсой», «Тоғдаги уйлар», «Сўқоқда», «Қирмизи тераклар», «Сўқоқ натюрморти», «Ёрқин куз», «Аёллар юмуши. Сўқоқ», «Хотира», «Ранго-ранг Сўқоқ», «Ҳумсон оқшоми» каби асарларни киритиш мумкин.

Кўргазмадан мусаввир хорижий юртларда ижодий сафарларда бўлганида яратилган бир қатор янги асарлар ҳам ўрин олган. «Париж. Сена дарёси», «Гремо шаҳри. Гулзор уй», «Кўк қайиқ», «Сан-Тронез. Франция», «Денгиз ва шаҳар» шундай асарлар сирасига киради. Уста мўйқалам соҳибининг чорак асрлик ижод йўли, муваффақиятларини тўлиқ ифода этаётган кўргазма ўзининг 50 ёшини нишонлаётган Алишер Мирзаев фаолияти мазмуни билан томошабинларни атрофлича, яқиндан танишишларига имкон бермоқда.

**Баҳром ТОЖИЕВ.**

*СУРАТЛАРДА: мусаввир Алишер Мирзаев ижодхонасида; кўргазмадан ўрин олган асарларидан намуналар.*





# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР



Орзуинг ушалсин қизим.

Равиль Альбеков сурат-лавҳаси.

*Турмуш чорраҳаларида*

## «ОСМОН ЙИРОҚ, ЕР ҚАТТИҚ...»

***Мана, яна бошим оғиб сен хизмат қиладиган жойга келиб қолганимни билмай қолибман... Кеч туша бошлаган, ҳамкасбларинг бирин-кетин уйига, бола-чақаси ёнига ошиқмоқда. Эҳ, қандай бахтли одамлар-а... «Адаси, ҳорманг», дея кутиб оладиган, «Дадажон» дея бўйнига осилгувчи қора кўзлари бор...***

Менда-чи... Бор, деёлмайман, «Йўқ» дегим ҳам келмайди... Ана шу йўқлик ва «борлик» орасида аросатдаман...

Бир хор қилган нарсанг кейин жуда-жуда азиз бўлишлигини ҳаёт кўрсатяпти менга... Бунчаям бахтнинг кўзи кўр бўлмаса-я...

Йўқ, йўқ нега энди бахтнинг бўлар экан, ўзимнинг кўзларим сўқир эмасмиди аслида?!

... Ана, ниҳоят сен кўриндинг.. Уф-ф-ф... Бу юракни нима қилай-а?!. Дукуллашиничи?.. Қафасдаги қушдай учиб қўлингга қўниб қўя қолсайди-я, мени кўпам қийнамай...

Дугоналаринг билан хайрлашаётгандаги муомалангни чеҳрангдаги самимиятдан уқиб турибман...

Бундан бир неча йиллар аввал бундан-да ажойиб лутфинг менга аталгувчи эди... Уф-ф-ф... уни ўзим топтадим, ўзим ўчирдим.

«Намунча сузиласан?», «Минғиллама!», «Юмшоқ супурги бўлма!» деб бўлдирмай, ярамас феълим, тор кўнглимни кенгайтириш илинжида кирган бахтни супуриб ташладим-а..

Эҳ, ўзим, ўзим, воз кечдим боламдан. Қаердан қаерларга етган қадамим ёнгинамиздаги туғруқхонага етмади-я... Қиз туғдинг деб... Ўшанда деразадан боқиб зор-интизор кутаётганларингни айтишганда қўл силтаб қўя қолибман...

Энди англаяпман, демак мен ўшанда нафақат сендан, келиб турган омадим-у, баракамдан қўл силтаган эканман...

Вой хомкалла...

Хўп, ўша олган 17 яшарлигим нима каромат кўрсатяпти?!

Қўша-қўша ўғиллар туғиб беролдими? Мана, 6 йилдирки, бола ҳидига зорман... Уни сепаётган атиру ифорлари, ясан-тусани, борди-келдиси... зерикдим, чарчадим...

Кечаги якшанбада яқин жўрам ўғлини суннат қилди. Чиқолмадим, чиқмадим... Ўшанда у ажрашмаслигимни маслаҳат берганида яхшигина ғижиллашиб олгандим...

Сарвинозга ажралиш ҳақида оғиз очгудек бўлсам, дарров уй-жой, ашқол-дашқолларни ҳисоблашга тушади... Мана ҳозир ҳам шундан қочиб, сени ҳеч бўлмаса-да узоқдан кўриб бўлса ҳам ором топай, зора ширин хаёлларим қанот ёйса, деган орзуда турибман.

Ана, сен илдамгина юриб бекатдаги одамлар орасига қўшилдинг. Биламан, шошаяпсан, уйда қизинг... қизимиз кутаяпти. Дарс тайёрлатишинг, шуғулланишинг керак. Сенга қўшилиб кетворгим келади-ку, лекин ҳар гал шундай термулишдан нарига ўта олмайман... Ўртамизда девор бор кўринмас, ундан ҳатлаб ўтишга ҳаддим сиғмайди... Ожизман... Бетим чидамайди... Ҳаммасига ўзим-ўзим... Уф-ф-ф...

Йигит кўнглидагини оққа кўчирувчи

**Саида ЗОКИРОВА.**

*Турфа олам*

## ИККИ БОШЛИ КЕЛИНЧАК

***Американинг Чикаго шаҳрида туғилиб вояга етган Николас Мондонинг турмуш ўртоғи ким дейсизми?***

Мана эшитинг. У икки бошли келинчакка уйланган. Иккисининг икки исми бор: Ямула ва Ганча. Онадан бир тана бўлиб туғилган бу қизларнинг бошлари иккита, қўллари тўртта, оёқлари иккита, яъни киндикдан юқори икки одам, пасти бир одам.

Мана шу ғаройиб қизлар тўғрисида бундан бир неча йил аввал америкалик ҳафталик газетада «Ўргимчак қизлар» номли мақола эълон қилинади. Унда «Нима дейсиз, икки бошли, тўрт қўлли сиамлик қизлар Ҳиндистонда яшар экан, Циркда ишлашар экан, ўзлари тенги йўқ сулув, уйланиш ниятида бўлган йигитлар бўлса, марҳамат, йўл очиқ», деган фикр билдирилган эди.

Ҳафтаномани ўқиган Николас Мондо ўша заҳотиёқ қизлар билан танишиш иштиёқида, насиб этса, уйланишга жазм этиб, Ҳиндистонга отланади. Циркда ишлайдиган «Ўргимчаклар»ни (қизларнинг лақаб исмлари) топиб, улар билан танишади.

— Мен уларнинг ҳафталикда эълон қилинган суратига бир кўришдаёқ маҳлиё бўлиб қолгандим, — дейди Николас Мондо. — Ранглари тоза, ёқимтой. Ўзлари иккита, танаси битта. Учрашганимдан кейин ундан баттар ошиқ бўлиб қолдим. Нима десам экан, уйланайми, йўқми бошим қотиб қолди. Сабаби, ҳужжатда улар бир одам. Бироқ иккита эканини кўриб турибман. Хуллас таваккал қилиб, уйланишга қарор қилдим.

Ҳозирги кунда «Ўргимчак қизлар» ҳомиладор, эгизак бола кўришни орзу қилишади. Бунга асос борга ўхшайди. Сабаби, Николаснинг ўзи ҳам эгизаклардан бири. Шунингдек, унинг онаси томонидан ҳам оилада эгизаклар кўп экан.

— Орзуимиз рўёбга чиқди, — дейди Ямула. — Биз вақти келиб, циркдаги ишимизни ташлаб, турмушга чиқсак, севиклимиз америкалик бўлса, АҚШда яшасак деб ҳаёл сурардик. Шукр, ниятимизга етдик.

— Шифокорлар бизнинг қиз кўришимизга ишонади, — дейди Ганча ҳам Ямуланинг фикрини маъқуллаб.

Биз юқорида баён қилганимиздек, «Ўргимчак қизлар»нинг бошлари иккита бўлса-да, уларнинг иккиси ҳам Николас Мондони яхши кўришади, аммо бир-биридан рашк қилишмайди.

Ҳозир уларни Николаснинг қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари оиланинг ўзгалар билан тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳурмат қилишади, иззатда. Тўй ва байрам кечаларида, меҳмондорчиликда ҳамиша бирга бўлишади. Сабаби Ямула ва Ганчалар уларни яхши кўришади, муомалалари яхши.

— Биз кўп болали бўлишни хоҳлаймиз, — дейди Николас Мондо. — Тақдир тақозо этса, шундай бўлишига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Аёлларингизни яхши кўрасизми, дейсизми? Яхши кўрганда қандоқ! Уларни жонимдан азиз кўраман. Майли, ҳатто бошлари бешта, бўса оладиган лаблари ҳам шунча бўлсин, менга барибир. Пок муҳаббатга нима етсин.

Мана, муҳтарам муштарийлар, табиат — онанинг шундай ажойибот-ғаройиботлари бор эканига ишонч ҳосил қилдингиз. Бироқ, гап унда эмас, кўз кўриб, қулоқ билан эшитган ҳақиқатда!

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.**

*Шарқ дурдоналари*

## ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР...

◆ Меҳмондорчилик қоидаларидан бири шундайки, мезбон меҳмонлар ҳузурида одоб билан туради, меҳмонларнинг ҳар бирини эъзозлайди, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишдан бир дақиқа бўлса ҳам тўхтамайди. Меҳмонларга ўзи туриб хизмат қилади. Меҳмон ташқарига чиқса бирга чиқади, кирганда бирга киради.

◆ Овқат ейишдан олдин аввал уй эгаси биринчи бўлиб қўл ювади. Овқатдан кейин эса барчадан кейин ювади. Шундай қилишнинг сабаби шуки, кечиккан ёки тасодифан келиб қолган киши билан овқат ейишни давом эттиради. Токи янги келган меҳмон уялиб қолмасин. Аммо қўлга уй эгасининг ўзи сув қуймоғи ва меҳмон биродарларига ўзи хизмат қилмоғи керак.

***Маҳмуд ибн МУҲАММАД.***

◆ Эй азиз, билгилки одамзод дунёда қўлида борига қаноат қилиши лозим. Шундагина у одамларга тама қўлини чўзмайди. Кимки, ортиқча нарса қидирса меҳнатлар домига тушади, бесабрлик ва тама олови уни хорлик кўчасига ташлайди, одамларнинг назаридан қолади. Натижада шундай киши надомат тўрига ва маломат ўқига дучор бўлади. Билгилки, тама барча балоларни келтирувчи ва жумла офатларни қўзғатувчидир. Агар қушлар одамлар қўйган донга тама кўзи билан боқмаганларида эди, дон ҳалқаси уни бўйнига тушмаган бўлар эди. Агар инсон тама камарини белига боғламаса хорликнинг ботқоғига ботмайди.

*Эй биродар, тама қилмагил, тама, —*
*Одамни харобу хору зор қилар.*
*Икки оғиз тингла мендек носиҳдан,*
*Сени ҳаёт ичра бахтиёр қилар.*

◆ Ҳасадчи киши одамларнинг шод ва хушҳоллигидан доимо ғам чекади ва алам тортади. Ҳа, дунёда ҳасад ва бахилликдан кўра ёмонроқ дарду алам йўқ! Шундай экан сен бундай кишилардан узоқ юр, уларнинг суҳбатидан қоч! Назм:

*Дармон қабул қилмас иллатдир ҳасад,*
*Ҳасадчининг доим ғамидир беҳад!*

***Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.***

◆ Бахил одамга ҳамма одам ёмон бўлиб кўринади. Бахил учун дунёда роҳат йўқ.

Бахилнинг ўз дарди ўзига етади.

Ҳар қандай оловни сўндириш мумкин. Аммо бахиллик оловини сўндириб бўлмайди.

Юзинг қора бўлса айб эмас. Юрагинг қора бўлмасин.

Бахилга меҳмон бўлган киши ҳеч қачон қорин оғриғига учрамайди.

◆ Кишининг ўз нафсидан қочиши шердан қочгандан фойдали.

◆ Тамаси кўпнинг инсофи оз бўлади.

◆ Тамагир ўзи учун келаётган ҳалокатни ўзи билмайди.

Пасткаш одам бирор кимсани севса, у қўрққанидан севади ёки тамагирликдан.

***«Аталар сўзлари»дан.***

◆ *Сабр билан бандидан қутилар киши,*
*Сабр калит эрур бекилса иши.*
◆ *Сабр қилмоқ била талх бўлса номим,*
*Сабр каъбаси де сен менинг номим.*
◆ *Бировнинг олдига боргандан нон деб,*
*Уйда жим ўтирган яхшидир жон деб.*
*Ҳар ким тама йўлин тутса агар пеш,*
*Оқибат бир куни бўлғувчи дарвеш!*
◆ *Хасиснинг хонидан егандан ҳолво,*
*Уйингда қотган нон еганинг авло.*
*Шод бўлса қанот бирла ҳар бир киши,*
*Ўлгунча бўлмагай асло ташвиши.*

***Низомий ГАНЖАВИЙ.***

◆ ҲИКМАТ: Қаноат меваси роҳат, камтарлик меваси муҳаббат. Байт:

*Қаноат айлагин, эй хушёр киши,*
*Қаноат роҳатдан беради нишон!*

◆ ҲИКМАТ: Қайс ибн Саиддан сўрадилар: «Энг яхши фазилат қайси?» У айтди: «Ўз қадрини билиш. Ўз қадрини билмаган киши ўзгалар қадрини билмайди!» Байт:

*Ўз қадрини билмаган киши,*
*Ўзга қадрин билмас ҳеч қачон,*
*Шакар, ҳанзал фарқин билмаган,*
*Шакар дейди ҳанзал кўрган он!*
*Зилол сувни кўрмаган киши,*
*Мақтаб ичар кўлмакни шодон.*

***Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.***

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржималари.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0444. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6